

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУЛДАШОВА НАВБАҲОР БОБОКУЛОВНА**

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СПОРТ**  
**ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 81'276.6:796[=133.1/=512.133]

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)  
degree in Philology**

**Кулдашова Навбахор Бобокуловна**

Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий  
хусусиятлари.....5

**Кулдашова Навбахор Бобокуловна**

Национально-культурные особенности спортивной терминологии во  
французском и узбекском языках.....23

**Kuldashova Navbahor Bobokulovna**

National-cultural peculiarities of sport terminology in French and Uzbek  
languages.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications .....50

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУЛДАШОВА НАВБАХОР БОБОКУЛОВНА**

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СПОРТ**  
**ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.3.PhD/Fil590 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна</b> филология фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Каршибаева Улжан Давировна</b> филология фанлари доктори <b>Нишоннов Патхиддин Пайзибоевич</b> филология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Урганч давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «22» декабр соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-27-57; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2020 йил «09» декабр куни тарқатилди. (2020 йил «09» декабр даги №988 рақамли реестр баённомаси).



*(Handwritten signatures in blue ink)*

**Д.С.Ўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**З.И.Расулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**Д.З.Ражабов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филол. ф. д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослиги замонавий концепциясида лисоний ҳодисаларни янги илмий парадигма – антропоцентризм қонуниятлари чегарасида талқин қилиш, маданиятлараро алоқалар дискурсида дунё тиллари қаторида лингва франка мақомини эгаллаган глобал тиллар терминосистемаси бирликларининг социолингвистик, коммуникатив-лисоний, лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада спорт концептосферасига мансуб терминологияни лисоний/ғайрилисоний тафаккур доирасида чоғиштириш, терминларнинг ижтимоий шартланганлик белгиси, идеографик функционаллигини умуммиллий қолиплар асосида муқоясавий таҳлил қилиш муҳим долзарблик касб этиши билан бирга, терминларнинг деривацион қонуниятлари, металингвистик тизимлаштирилиши, терминологизацияланиш динамизмига доир назарияларни илмий баҳолаш имконини беради.

Дунё терминосфераси майдонида спорт терминларининг ноқардош тиллар тизимида қўлланишининг морфологик, структур-семантик, лингвостилистик, лексикографик масалаларига доир илмий тадқиқотларда мазкур категорияга тегишли бирликларнинг лексик-фразеологик, универсал, дифференциал, тавсифий-таснифий белгилари муфассал ўрганилган. Аммо, моҳиятан ва миллий табиати жиҳатидан фарқланувчи француз ва ўзбек лингвомаданий терминосфераси бирликларининг коммуникатив-когнитив, гендер, этномаданий хусусиятлари, лексик-дериватив тамойиллари, инсон тафаккурий ва мантикий фаолиятининг вербаллашуви маҳсули бўлган неологизм ва окказионализмлар прагматик белгиларининг чоғиштирилиши Шарқ ва Ғарб маданий-лисоний воқелигида юзага келадиган спорт терминлари шакл ва мазмун чегараларининг функционал динамизми, полисемия, омонимия, вариативлик қонуниятлари доирасида терминларнинг мантикий-концептуал қийматини ҳамда инновацион тараққиёт истиқболларини белгилаш учун хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг миллий тараққиёт босқичида дунё ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек тилшунослигида ҳам муҳим ислохотларни тақозо этди. «...Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда халқаро майдонда Ўзбекистон спорти ва спортчиларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»<sup>1</sup> устувор стратегик йўналишлари миллат бойлиги – тил ҳодисаларини, жумладан, халқимиз маънавий қадрияти кўрсаткичи саналган спорт терминларининг лисоний-маданий хусусиятлари, тарихий негизларини илғор хорижий тажрибалар асосида Ғарб тили билан чоғиштириб ўрганиш заруратини белгилади. Зеро, француз ва ўзбек лингвомаданиятида тарихий ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4711327>.

замонавий қатламга оид спорт терминлари фреймларини концептуал таҳлил қилиш халқаро аренада ўзбек тилшунослиги раванқига кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари; 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Терминологиянинг тарихий илдизлари, тараққиёт босқичлари, терминларнинг миллий ўзига хослиги, уларнинг таснифи ва тавсифи каби масалалари тадқиқи борасида жаҳон ҳамда ўзбек тилшунос олимларининг ўрни бениҳоя катта. Бу йўналишда А.Рей, Ж.К.Сейжер, О.Вюстер, Ю.Н.Марчук, Ж.Корню, Р.Теммермен, В.М.Лейчик, С.И.Омарова, М.А.Паржева, Ш.Д.Шелов, О.С.Ахманова, шунингдек, А.Ҳожиев, Ҳ.Дадабоев, Ғ.М.Исмаилов, З.А.Абдуллаева, А.Нурмоновнинг тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup>Alain Rey, vocabuliste français, textes réunis et présentés par François Gaudin, Limoges, Éd. Lambert-Lucas, 2011. – P. 58; Alain Rey: artisan et savant du dictionnaire, Paris, Hermann Fasano, Schena Ed., 2010. – P. 133; Sager J.C. A Practical Course in Terminology Processing. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 1990. – P. 262; Eugen Wüster. Introducción a-ля teoría обший de la terminología y a-ля lexicografía terminológica Universitat Pompeu Fabra, Барселона, 2003; Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика. – М.: Восток-Запад, 2007. – С.317; Cornu, Gérard. Linguistique juridique, Paris, Montchrestien, 1990. – P.19; Temmerman R. Towards new ways of terminology description. The sociocognitive approach. – John Benjamins Publishing Company, 2000. – P.258. Лейчик В.М. Теоретические и прикладные проблемы унификации терминов на современном этапе. Научно-техническая терминология. – М., 2002. – С. 44–46; Омарова С.И. Проблемы терминологии в дагестанских языках (лингвистическая терминология): Автореф. дисс... док. филол. наук. – М., 1998. – С. 48; Паржиева М.А. Особенности функционирования лингвистических терминов в профессиональной речи. – Ставрополь, 2005. – С. 28; Шелов С.Д. Ещё раз об определении понятия «термин». Вестник. – Н., 2010. – С. 795–799; Ахманова О.С. Терминология лингвистическая. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 509; Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996. – Б. 46; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Т., 1991; Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда

Спорт терминологияси йўналишида Р.В.Вайнз, Р.В.Попов, А.Н.Шафоатов, И.Ю.Хмелевская, З.Мурзоев, Е.И.Гуреева<sup>3</sup> каби хорижий олимлар, шунигдек, М.Х.Бобоёров, Х.А.Саримсоков<sup>4</sup> сингари ўзбек олимлари ўз тадқиқотларини яратишган. Қолаверса, В.Д.Швайко И.Оверана, П.Г.Нуров, Ў.Қ.Юсупов, И.К.Мирзаев, О.С.Аҳмедов, П.П.Нишонов, Д.И.Ходжаева<sup>5</sup> каби олимлар томонидан қиёсий-чоғиштирма тилшунослик, қиёсий терминшуносликнинг назарий асослари далилланган, терминология ва унинг турли хусусиятлари ҳақида луғатлар, монографик асарлар ҳамда диссертациялар чоп этирилган.

Р.В.Вайнз, Е.И.Гуреева, А.Н.Шафоатов каби олимлар француз, рус, тожик лингвомаданиятларида спорт терминларининг миллат, ирқ ва жинс билан боғлиқ жиҳатларини лингвокогнитив аспектда ўрганган бўлса, И.Ю.Хмелевская француз ва рус, Х.А.Саримсоков инглиз ва ўзбек тиллари спорт терминологиясининг чоғиштирма тадқиқини амалга оширган.

Тилшуносликда терминологик масалаларга оид кўпгина изланишлар олиб борилган бўлса-да, ўз ечимини кутаётган жуда кўплаб муаммолар, жумладан, француз ва ўзбек тиллари спорт терминларини лингвомаданий аспектда тадқиқ қилиш масаласи долзарблик касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

---

термин ҳосил бўлиши: филол. фан. ном. дисс... – Т., 2011. – Б.14; Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.32; Нурмонов А. Танланган асарлар 3-жилд. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар. – Тошкент, 2012. – Б.12.

<sup>3</sup> Wines R.W. Sporting Frenchness: Nationality, Race, and Gender at Play. A dissertation for the degree of PhD. – Michigan University, 2010. – P. 223.; Попов Р.В. Русская спортивная терминология: На материале баскетбольной терминосистемы: дисс. ... канд. филол. наук – Северодвинск, 2003. – С.168.; Шафоатов А.Н. Таджикская спортивная терминология: автореф. канд. филол. наук – Душанбе, 2009. – С.28. Хмелевская И.Ю. Лексикографическое представление спортивно-игровых терминов на основе сопоставительного исследования французской и русской терминосфер спортивных игр. – Екатеринбург, 2006. – С. 24. Мирзоев З. Спортивные термины в таджикском и английском языках: дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2005. – С. 210. Гуреева Е.И. Спортивная терминология в лингвокогнитивном аспекте: дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2007. – С. 176.

<sup>4</sup> Бобоёров М. Х. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши: филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2009.; Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма тадқиқи: ф.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 50.

<sup>5</sup> Швайко В.Д. Лингвостилистические особенности фразеологических единиц, образованных от сверсловных спортивных терминов и профессионализмов (на материале современного английского языка): дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1984. – С. 290. Auverana, Piana, et Patrick Forget (2010). «La normalisation en common law en français au Canada: Une étude de cas», L'Actualité langagière, décembre 2010. Нуров П.Г. Таджикская научно-техническая терминология. – Душанбе: Дониш, 2009. – С.182; Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, 2007. – С.123. Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: дисс. ... док. филол. наук. – Т., 2002. – С.472.; Аҳмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: филол. фан. док. дисс... – Т., 2016. – Б.56.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б.10.; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида). – Т., 2018. – Б.19.

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган «Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни янада ривожлантиришнинг афзалликлари» мавзуидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** француз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш, ҳар бир лингвомаданиятга хос ўхшаш ҳамда фарқли белгиларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

спорт терминологияси, унга дахлдор категорияларнинг лингвомаданий мазмун-моҳиятини, лексик-семантик хусусиятларини очиб бериш;

француз ва ўзбек тилларида ядро ва периферияни ташкил қилувчи фреймларнинг модаллик категориялари билан семантик муносабатини тавсифлаш;

қиёсланаётган тилларда спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятларини лингвокультуремалар таҳлили асосида ёритиш;

икки ноқардош тилларда спорт терминларининг семантик, структур ва функционал майдон конституентларини грамматик, лексик ва фразеологик бирликлар воситасида таснифлаш;

француз ва ўзбек тилларида спорт терминосистемасининг бойитилиш усулларини, бир-бирига муштарак ва дифференциал жиҳатларини белгилаш;

ҳозирги француз ёки ўзбек лексикасида кечаётган инновацион жараёнларда пайдо бўлган неологизм ва окказионализмларни семантик-прагматик жиҳатдан тадрижий тараққиёт қонунлари асосида ёритиб бериш;

спорт терминларининг грамматик-услубий хусусиятларини белгилаш ҳамда миллий-маданий жиҳатлар акс этган икки тил терминологияси изоҳли луғатини тузишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида француз ва ўзбек тилларидаги спорт терминосистемасига тегишли бирликлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** француз ва ўзбек тилларидаги спорт терминларининг миллий-маданий хусусиятлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёслаш, шарҳлаш, статистик, концептуал, фрейм, чоғиштирма таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек тиллари спорт терминосистемасида инсон когнитив ва маданий-лисоний фаолиятининг вербаллашуви натижасида юзага келадиган неологизм ва окказионализмлар семантик-прагматик аспектда полисемия, омонимия, вариативлик қонуниятлари доирасида мантиқий қиймат касб этиши аниқланган;

ҳар иккала тил коммуникатив жараёнида воқеланадиган спорт терминлари шакл ва мазмун чегараларининг функционал динамизми контекст иштирокчилари: ўйинчи, рақиб, кузатувчи, ҳакам, томошабинларнинг ментал, когнитив ва лисоний тафаккур хусусиятлари негизида содир бўлиши исботланган;

қиёсланаётган тилларда спорт терминологиясининг концептуал, фрейм, лингвокультурологик хусусиятлари «кураш», «ҳалол», «фирром», «чала»,

«cochonnet», «bouchon», «petit», «têt», «gari» каби лингвокультуремалар ва «қарабтеп», «чиллак», «беш тош», «pétanque», «jeu de raume» каби спорт ўйинлари функционалигининг бирламчи омиллари эканлиги асосланган;

турли тизимли тилларда спорт терминларининг грамматик, лексик ва фразеологик хусусиятлари семантик, структурал ва функционал майдон конституентларининг таснифий омиллари эканлиги ва уларнинг доминант компонент (ядро) атрофида бирлашувчи иккиламчи (периферик) элементлар қўлланишини воқелантирувчи куч эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек спорт терминологиясининг шаклланиши, юзага келиш омиллари, тараққиёт босқичлари таркиби аниқланиб, терминология тизимидаги семантик ўхшаш ва фарқли жиҳатлари асосан ўзлашма қатламни ташкил қилиши далилланган;

спорт терминларининг грамматик-услубий хусусиятлари, прагмасемантик белгилари асосида «Французча-ўзбекча луғат (спорт соҳасига оид)» тузилган ҳамда уларнинг яратилиш тамойили, таржимада берилиши, тавсифи, тил ва нутқда тўғри фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

спорт терминологияси, унга дахлдор категорияларнинг лингвомаданий мазмун-моҳияти ҳамда лексик-семантик хусусиятлари француз ва ўзбек тилларида ядро ва периферияни ташкил қилувчи фреймларнинг модаллик категориялари билан семантик уйғунлигини тавсифлашга хизмат қилиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, шарҳлаш, статистик, концептуал, фрейм, чоғиштирма таҳлил усуллари орқали асосланганлиги, спорт терминларига хос специфик белгиларни далиллашда илмий-бадий манбаларга таянилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшуносликнинг энг долзарб, серқирра йўналиши – терминологияда француз ва ўзбек тилларидаги спорт терминларини тизимлаш ва тавсифлаш, миллий-маданий хусусиятларини ёритиш, турли тизимли тилларда спорт терминологиясини антропоцентрик парадигма доирасида ўрганиш жараёнида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти француз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг миллий-маданий хусусиятларига комплекс ёндашиш, когнитив таҳлил қилиш орқали олинган хулосалардан ҳар иккала тилда «Лексикология», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Амалий грамматика» каби фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда, французча-ўзбекча спорт терминлари луғатини тузишда, изоҳли ва энциклопедик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Француз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

француз ва ўзбек асарларида кузатилган спортга оид терминларнинг иккита мустақил, кўмакчи феъл ва қатор детерминантлар билан келиши, спорт терминларига дахлдор мотивлар ва уларнинг лисоний бирликлари модал феъллар ёрдамида қўлланиши билан боғлиқ илмий хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919А-1-118 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2486-сонли маълумотномаси). Натижада терминларнинг тиллардаги муштараклик ва ўзига хосликларининг фольклор ва бадиий адабиётларда фаоллашувини ўрганиш имкониятлари кенгайган;

терминология, лексикология, терминография, лексикография, термин, атама, категория, концепт, фрейм каби лисоний бирликлар хусусиятлари моҳиятини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлилига дахлдор хулосалар Америка Қўшма Штатларидаги «ALTA» тил хизматлари компанияси фаолиятига жорий этилган («ALTA» Language Services, Inc компаниясининг 2019 йил 5 декабрдаги I-3276-сонли маълумотномаси). Натижада соҳа терминларининг тизимлаштирилиши, лексикографик изоҳларининг такомилли, ўзлашма ва байналминал терминларнинг миллий тилларда барқарорлашув механизмлари таъминланган;

тилшуносликнинг лексик қатламини ҳосил қилувчи терминологиянинг лингвистик аспекти, таржима жараёнида янги терминларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ясалиши, қиёсий терминология методикаси ривожланишига доир илмий хулосалардан «Таржимада услуб яратилишининг қиёсий-статистик, терминологик методикаси» номли электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2019 йил 2 июлдаги DGU 06967-рақамли гувоҳномаси). Натижада интерлингвистика (бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш), синхрон ва диахрон лингвистика, макро ва микролингвистика, компьютер лингвистикаси соҳалари бўйича яратилган дастурларнинг муайян даражадаги такомиллига эришилган;

француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятларини намоён этишда оммавий ахборот тизими ва халқ орасида оммалашган лексик неологизмларнинг миллий руҳ ва маданий ўзига хослик билан уйғунлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалида «Бедорлик», «Катта танаффус», «Таълим ва тараққиёт» телекўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзМТРКнинг 2019 йил 21 октябрдаги 04-25-2175-сонли маълумотномаси). Натижада давлатлараро ва халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, таълим, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларига доир ва оммавий дастурларни тайёрлашда манба сифатида хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 19 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та луғат, 1 та монография ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан, 4 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, ишончилиги, жорийланиши, эълон қилинганлиги ва тадқиқот тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Терминологиянинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида терминологиянинг шаклланиши, тараққиёт босқичлари ҳамда терминология талқини, «термин» ва «категория» тушунчалари изоҳи, қиёсий тилшунослик ва қиёсий терминология тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, дунё тилшунослигида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган.

Илм, фан ва техника тараққиёти ҳозирги кунда жадаллик билан ривожланиб борар экан, жамики инсонларни турли соҳалардан хабардор бўлишга ундабгина қолмай, тилшуносликнинг лексик қатламини бойитади, шунингдек, нутқда қўлланилаётган қатор лисоний бирликларни жамлаб тобора кенгайтиради, кундалик ҳаётга ҳамоҳанг бўлишини талаб этади.

Тилшуносликнинг энг долзарб, мураккаб, назарий ва амалий аҳамиятга эга йўналишларидан бўлган терминологиянинг ривожланиши, шаклланиши, албатта, ўзига хос қонуниятлар асосида пайдо бўлади, умумхалқ тилининг лексикаси негизида ривожланади ҳамда бойиши учун хизмат қилади.

Маълумки, «терминология» лотинча «terminus» ва грекча «logos» сўзларидан олинган бўлиб, «терминлар ҳақидаги фан» маъносини билдиради.

А.Д.Хаютин инглиз тилининг этимологик луғатига асосланиб, *терминология* сўзи илк бор немис олими С. Шютз<sup>6</sup> томонидан қўлланилганини таъкидлайди. Унинг аниқлашича, ушбу сўз инглиз, француз тилларида XVIII аср охирида, рус тилида эса XIX аср бошларида истемолга кирган. Маълумотларга кўра, австриялик терминолог ва

---

<sup>6</sup> Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б.8.

эсперантолог олим Ойген Вюстер техникага оид терминларни ўрганиб, ўз монографик тадқиқоти орқали терминшунослик мактабига асос солган. Х.Фельбер дунёдаги биринчи терминология бўйича халқаро ўқув қўлланмасини чоп эттиради (Франциянинг пойтахти Парижда, 1984 йил). Қолаверса, Европа тилшунослиги ривожига катта таъсир кўрсатган, Женева университетининг профессори, швейцариялик тилшунос олим Фердинанд де Соссюр назариясида, Женева тилшунослик мактаби вакиллари Ш.Балли, А.Сешенинг илмий асарларида, француз социологик мактаби намояндalари А.Мейе, Ж.Вандриес кабиларнинг илмий ишларида терминлар ва терминология ҳақида илмий-назарий қарашларни кузатиш мумкин.

О.С.Ахманова «Лингвистик терминология бошқа ҳар қандай терминология каби терминларнинг оддий мажмуи эмас, балки ўзига хос семиологик тизим» эканлигини таъкидлайди<sup>7</sup>.

Термин (лот. terminus – чек, чегара) – илм-фан, техниканинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмасидир<sup>8</sup>. В.Н.Шевчук терминга қуйидагича таърифни беради: «Термин – бу сўз бўлиб, ўрта асрларда «аниқлаш», «ифодалаш» деган маъноларни билдирган, қадимий француз тилида мавжуд бўлган «terme» лексемаси «сўз» деган маънони ифодалаган»<sup>9</sup>. Дарҳақиқат, «терминология» сўзи кўп маъноли бўлиб, у терминларни ўрганадиган фан бўлиши билан бирга, маълум бир соҳа терминларининг мажмуини ўрганади. Н.Марчук «термин ва терминларни ўрганадиган фан деган таърифга кўпроқ «терминшунослик» сўзи ҳам мос келишини, «терминография» эса лексикографиянинг бир қисми бўлиб, терминшунослик билан узвий боғланган ҳолда терминологик луғатлар тузиш тўғрисидаги фан эканлигини асослайди<sup>10</sup>. Д.Ходжаева<sup>11</sup> «... термин ва атама сўзлари бир-бирига яқин тушунча ифодалашига қарамай, улар айнан бир хил сўзлар эмас ва уларни алмаштириб қўллаб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, термин сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ» деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, *термин* сўзи ўрнида баъзан *атама* сўзини қўллаш ҳоллари учрайди. Бизнинг назаримизда ҳам бу тўғри эмас, чунки «термин» ва «атама» тушунчалари ўзаро яқин маънони ифодалагандек туюлса-да, «атама» «термин» сўзига нисбатан тор семани ифодалайди, «термин» бўлса муайян тушунчанинг аниқ ва батафсил қоидасини беради. Шу ўринда тилшуносликда кўплаб олимлар томонидан «термин» ва «категория» га бўлган муносабатнинг турлича эканлигини айтиш мумкин ва мазкур масала бўйича тилшунослар аниқ бир фикрга келиши муаммо бўлиб қолмоқда.

<sup>7</sup> Ахманова О.С. Терминология лингвистическая. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 509.

<sup>8</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 73.

<sup>9</sup> Шевчук В.Н. Производные военные термины в английском языке. – М., 1983. – С. 6.

<sup>10</sup> Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика. – М.: Восток-Запад, 2007. – С.317.;

<sup>11</sup> Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида), дисс.филол. фан. фалсафа доктори. – Т., 2018. – Б.19.

Б.А.Райзберг «Категория – табиат ҳодисаларининг универсал хусусиятлари ва муносабатларини ифода этадиган фундаментал илмий тушунчадир»<sup>12</sup>, деб таърифлайди. Юнонча сўздан олинган «katigoria» – «сўз», «белги» маъноларини англатиб келган категория ва термин орасида турли семантик хусусиятлар мавжуд. Биламизки, фанда категория маълум бир илмий ҳодиса ёки йўналишга хос бўлган тушунча, лингвистик категория эса кенг маънода – ҳар қандай умумий хусусият билан ажралиб турадиган тил элементлари гуруҳи ҳисобланади.

Терминлар тиллараро миллий-маданий умумийлик, хусусийлик, муштараклик ва фарқларни ёрқин ифодалайди. Категориялар концептларни турли хил ҳолатда маълум бир маданий ўзаро боғлиқлик доирасида бирлаштиради. Шу ўринда В.Г.Гак терминнинг моҳиятини очиб, унинг тил луғавий тизимидаги ўрни кенг эканлигини аниқлайди, терминга мутлақо ўзгача, бир қарашда англаш ва идрок этиш қийиндек туюлади, деб айтган фикрига қўшиламиз ва назаримизда, ҳақиқатан ҳам терминни мураккаб, кенг қамровли, идрок этиш қийин бўлган лисоний бирлик, деб айтиш ўринлидир.

Терминология бу махсус луғатнинг типологияси, келиб чиқиши, шакли, мазмун-маъноси ва фаолияти, шунингдек, фойдаланиш, тартибга солиш ва яратиш нуқтаи назаридан ўрганиладиган фан ҳисобланса, қиёсий терминология чегараларини белгилаш мушкул бўлган тилшуносликда бахс-мунозараларга сабабчи бўлаётган, тилларнинг ўзаро таъсир этиш жараёнини англашда кўмак беради, маълум бир тилда бир мавзу доирасига мансуб бўлган махсус сўзлар тўпланганида терминология ҳосил бўлади.

Қиёсий тилшунослик – тилларнинг универсал характерларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган фан, тарихий тилшунослик – тилларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзгаришини ўрганувчи фан бўлса, қиёсий терминология эса, тилшунослик фанида янги йўналишлардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Спорт соҳасининг терминологик тизими юзасидаги тадқиқот таҳлили натижасида шуни айтиш мумкинки, спорт терминологиясининг бойитилиш усуллари ҳамда манбалари, унинг услубий жиҳатларини ўрганиш жараёнида кенг луғат бойлигига эга эканлиги аён бўлиб, ўзининг ички қонуниятлари асосида тадрижий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Спортнинг тарихи, спорт сўзининг келиб чиқиши, спорт терминологияси ва уларнинг шаклланиши ҳамда маданий-тарихий тараққиёти, спортнинг аҳамияти, спорт турлари, спорт терминларининг турли тизимли тиллар доирасида ўрганилиши, спорт миллий турларини халқаро спорт майдонида кенг тарғиб қилиш, спорт терминологияси ҳамда спорт тилидаги билимларга эга бўлишда термин, терминшунослик, қиёсий терминология моҳиятини англаш, белгиланган тартибда тадқиқ этиш муҳим саналади.

Бугунги кунда «спорт» термини доирасида англашиладиган воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиш динамикаси соҳасида амалга оширилган ишлар қаторида спорт терминларининг француз ва ўзбек тиллари тизимида ҳар бирига оид умумий ва миллий белгиларини аниқлаш давлатлараро ва халқаро

<sup>12</sup> Райзберг Б.А. Современный социоэкономический словарь. – М., 2012, – С. 210.

спорт алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спортга доир хорижий инвестициялар, грантларни жалб этиш ишларини кенгайтиради.

Тадқиқотнинг «**Француз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг ифодаланиши**» деб номланган иккинчи бобида спорт терминларининг шаклланиши ва маданий-тарихий ривожланиши, очиб берилган. Спортга доир терминларни ўрганиш муаммолари, француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг бойитилиш усуллари таҳлил қилинган.

Биламизки, спорт тарихи қадимги даврда жисмоний тарбиянинг вужудга келиш хусусиятларини ўрганишдан бошланади. Инсониятнинг энг қадимги давр тарихи 3-3,5 миллион йил аввал бошланиб, милодий IV асргача давом этган. Маълумотларига кўра, одамзод дастлаб Африка, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёда пайдо бўлган, кейинроқ эса Осиё ва Европанинг бошқа ҳудудларига кириб борган. Ўрта Осиёда ҳам энг қадимги одамларнинг яшашлари учун қулай шароитлар мавжуд бўлган. Турли мустаҳкам ва ўткир учли енгил найзаларнинг, ўқ ва камоннинг пайдо бўлиши овчиликнинг такомиллашуви ва овнинг ривожланишига олиб келган. Меҳнат билан боғлиқ бўлган турли мусобақалар ташкил этилиб, илк бор меҳнатнинг жинс ва ёшга қараб бўлиниши амалга оширилган. Ҳиндулар қабиласида каучуклардан коптоклар, махсус чана ясаганлар. Шарқий Африкадаги ибтидоий қабилаларда лангарчўп билан сакраш ва югуриб келиб баландликка сакраш мусобақалари ўтказилган. Шимолий ва Жанубий Америкада европаликларнинг истилосига қадар резина копток, чавгон ва ракеткалардан фойдаланиб ўйналадиган ёзги ва қишки ўйинларни ташкил этишган.

Йирик олим ва файласуф Аристотель инсоннинг руҳи ва танаси ажралмас ҳолда боғлиқ эканлигини тушунтириб, жисмоний тарбиянинг ақлий тарбия билан ҳамоҳанглигини таъкидлаган. Демокрит спорт инсоннинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди, деб билдирса, Сократ мустаҳкам соғлиқ кўпгина иллатлардан сақлашга кафолат беришини айтади. Қадимги грек шифокори Гиппократ таъбири ва таълими бўйича, жисмоний машқлар билан шуғулланиш турли хил касалликларни олдини олиш ва даволашда муҳим аҳамиятга эгадир<sup>13</sup>.

Тарихга назар солсак, филлар билан коррида, терили арқон тортиш, панкратион, балиқчилар кураши, гладиаторлар жанги сингари энг қадимий спорт турлари, шунингдек, спорт терминологиясининг шаклланиши спортнинг ривожланиши билан бир вақтда кечган, бунда албатта, қайси мамлакатда ва қачон у ёки бу спортнинг кенг тарқалишига боғлиқлиги сабаб бўлади, деб айтиш мумкин. Дарҳақиқат, француз олими Жан-Франсуа Саблайроллес айтганидек, «спорт атамалари жамият тили эволюциясига мослаша боради ва шаклланади, кундалик ҳаётда ва тилда ўсиб боради»<sup>14</sup>.

<sup>13</sup> Жалилова А. Жисмоний тарбия ва спорт тарихи фани бўйича маърузалар матни.– Т., 2015. – Б.12–15.

<sup>14</sup> Jean-François Sablayrolles. Mais que font les linguistes? Les sciences du langage, vingt ans après, actes du colloque 2003 de l'Association des sciences du langage. Association des sciences du langage. France, Christine Jacquet-Pfau, Jean-François Sablayrolles. Paris ; Budapest ; Kinshasa: l'Harmattan , DL 2005. – P. 33.

Маълумки, латин тилида сўзнинг этимологик келиб чиқишини хусусан феълда кўрамиз: «*deportae lauream*» – «мен депортация қиламан», яъни бунини «депортация» деб таржима қилиш мумкин. Биринчидан «депортация» тушунчаси, бирор нарсани олиши, олиб кетиши учун синоним сифатида ишлатилиб, майдонга чиқиш, тоза ҳаводан нафас олиш ва машқ қилиш каби ривожланиб келган, иккинчидан эса, бугунги кунда спорт атамасига берган маънога жуда мос келадиган ибора ва этимологик нуқтаи назардан спорт сўзининг маъносига аниқлик киритмоқчи бўлсак, «спорт» атамаси эски француз тилидан келиб чиққан бўлиб, «депортация» – «бўиш» деган маънони англатади. Спорт – французча «*desporter*» – «ўйнамоқ», «маза қилмоқ» яъни шуғулланувчиларнинг жисмоний ёки ақлий қобилиятларини солиштиришга мўлжалланган, алоҳида қоидаларига эга фаолият тури саналади.

Этимологик луғатларда спорт инглизча спорт – «ўйин», жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизимидир<sup>15</sup>, каби маълумотларни ҳам учратамиз.

Қолаверса, спорт терминологиясида спорт терминлари турли тиллардан олинган бўлиб, ҳар хил маъноларни англатиши маълум. Масалан, «*таэквондо*» корейча сўздан олинган бўлиб, «*таэ*» – оёқ, «*квон*» – қўл, «*до*» – йўл, яъни оёқ ва қўлларнинг ҳаракат йўли – спорт кураши, баскетбол – французча «*basket*» – сават, «*ball*» – тўп – спорт тури, «*шахмат*», шохмот форс тилидан олинган «*шоҳмот*» – шох «*мот бўлди*» – спорт тури, *дзюдо* – японча «*дзю*» – юмшоқ, «*до*» – йўл – спорт якка кураши, волейбол – французча «*volley ball*», «*volley*» – уриб қайтармоқ ва «*ball*» – копток – жамоа бўлиб ўйналадиган спорт ўйини, *бокс* инглизча «*box*» – муштлаш, зарб бериш, *гандбол* немисча «*hand*» – қўл, «*ball*» – тўп, қўл тўпи – спорт ўйини, бодибилдинг, туризм – «*Body Building*» – тана тузилиши (французча «*culturisme*», «*physical culture*» – гавда маданияти) спорт тури, фристайл, инглизча «*free*» – эркин, «*style*» – усул – тоғ чанғи спорт тури ва ҳ.к.

Француз ва ўзбек тилларида спорт лексикасининг бойиши қуйидаги йўллар билан амалга ошириш ўрганилди: 1) бошқа тиллардан сўзлар ўзлаштириш йўли билан; 2) тилда қўлланилиб келган айрим сўзларнинг йўқолиши; 3) сўзларнинг ўз маъноларини ўзгартириши (сўз маъносининг тўлиқ ўзгариши, омоним сўзларнинг пайдо бўлиши, сўз маъноларининг кенгайиши ва торайиши). Айтиш жоизки, тиллар бир-биридан ҳимояланмаган. Бир тил бошқа бир тилдан товушлар, сўзлар ва бирикмаларни ўзлаштириши мумкин. Масалан, *ҳакам*, *жамоа*, *ҳалол* (*арабча*), *чала* (*форс-тожикча*), *баҳодир* (*мўғулча*), *футбол*, *баскетбол*, *волейбол*, *хоккей*, *бокс* (рус тили орқали инглиз тилидан кирган) ва бошқалар.

Спорт терминларининг шакл хусусиятларини ўрганишда сўз ва бирикма шаклидаги терминлардан ташкил топиши диққатни тортди. Масалан: *кураш*, *пойга*, *тепмоқ*, *ҳалол ва майсазор*, *футболчи*, *ўқда*, *эш+как* ва ҳ.к.

Француз тилида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ чет тилларидан ўзлашган терминлар кўпроқ ва улар талаффуз жиҳатидан ўзлашган. Мас.: *athlète (m)* –

<sup>15</sup> Online Etymology Dictionary. – P. 378.

*атлет; ruck (f) – шайба; référé (m) – ҳакам; échecs (pl.m) – шашка; raquette (f) – ракетка.* Кўпгина французларга хос бўлмаган спорт турларига оид терминлар ҳам француз тилига таржима қилинган, бошқа тилларни кузатар эканмиз, халқаро спорт терминларини таржимасиз олинганлигини кўриш мумкин, бироқ миллий тил «соф»лиги учун курашувчи француз тадқиқотчилари саъй-ҳаракатлари натижасида луғатга хос бўлмаган ўзлашма сўзлар француз тилига таржима қилинган. Масалан: *gymnastique (f) – гимнастика; coupe (f) – кубок; crosse (f) de hockey – клюшка* ва ҳ.к.

Маълумки, сўз ясовчи кўшимча кўшилиши билан ясалган содда терминлар ясама содда терминлардир. Иккала тилда бундай терминлар кўпинча олд (префикс) ва сўнг (суффикс) кўшимчалар асосида ясалади. *N+eur (-teur, -seur), -чи, -зор* кўшимчалар от сўз туркумига оид спорт терминлари ясалса, *N+er, -моқ* кўшимчалар асосан феълли спорт терминлари ясалади. Масалан, *lober, dribbler, shooter, smasher, boxer, stopper, tacler, slalomer, ўйнамоқ, тенмоқ, сузмоқ, отмоқ, югурмоқ, курашмоқ* ва ҳ.к.

Француз терминологик луғатларда спорт терминлари от сўз туркумига хос ҳаракат номини (nom d'action) кўрсатишда асосан 5 та кўшимчалар ёрдамида ясалади: *-age, -ade, -tion, -ation, -ment*. Масалан, *talonnage, blocage, barrage, marquage, glissade, roulade, position, sélection, substitution, anticipation, prolongation, élimination, débordement, dégagement, avertissement* etc. Шунингдек, француз ва ўзбек тилларидаги спорт терминларида ҳам жуда кўп кўшма терминларни учратиш мумкин. Масалан, *un-contre-un (m) – бирга-бир; avant-centre (m) – марказий ҳужумчи; protégé-cheville (m) – болдир боғичи; vice-champion (m)– вице-чемпион (иккинчи ўрин совриндори).*

Тадқиқотимиз натижасида шуни айтиш мумкинки, спорт терминларининг 58 %ни бирикма шаклидаги терминлар ташкил қилмоқда. Масалан, *tir (m) au but – пенальти тетиши; gardien (m) de but – дарвозабон; arrêts (pl.m) de jeu – манаффуз; coup (m) de coin–ён томондан зарба; match (m) nul – дурранг натижа; coup (m) de pied – оёқ зарбаси; coup (m) de sifflet – ўйин бошлаши, ҳуштак чалиниши; gardien (m) remplaçant – заҳирадаги дарвозабон; bateau (m) de course – пойга қайиғи.*


Француз тилидаги спорт терминлардан *balle (f) de badminton (бадминтон коптоғи), piscine (f) de natation (сузиш ҳавзаси), gant (m) de boxe (бокс қўлқопи)* каби бирикмали терминлар отли бирикма, ҳамда бош сўз феъл ва унинг равишдош, сифатдош шакллари билан ифодаланса, феълли бирикма ҳисобланади. Француз ва ўзбек тилларидаги спорт терминлардан *monter en montagne (тоққа чиқмоқ), lancer une disque (диск улоқтирмоқ)* каби бирикмали терминлар феълли бирикма терминлар саналади.

Тадқиқотнинг «**Француз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма таҳлили**» деб номланган учинчи бобида француз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг когнитив хусусиятлари, «кураш» ва «футбол» фреймларининг концептуал таҳлили, спортга доир неологизмларнинг миллий-маданий хусусияти, француз ва ўзбек спорт терминларининг линвомаданий хусусиятлари таҳлил этилади.

Тилшуносликда неологизмлар ўзига хос миллий-маданий хусусиятга эга соҳа саналади. Тил тараққиётининг маълум бир босқичида неологизм бўлган

сўз кейинроқ неологизмлик «бўёғи»ни йўқотиб, замонавий лексик қатлам бирлигига айланиши мумкин. Масалан, *футбол, арбитр, самбо, дзюдо, регби, чим устида хоккей, қиличбозлик, акробатика, стол тенниси, мототцикл спорти, велосипед спорти, парашиют спорти, от спорти, камондан отиши, фигурали учуши, бадий гимнастика* каби сўзлар дастлабки пайтларда неологизм бўлган, ҳозир эса уларнинг бирортасида янгилик бўёғи сақланмаган, демак, бу сўзлар аллақачон неологизмлик ҳолатидан чиқиб, қўлланиши одат тусига кирган узвул лексемаларга айланган, деб айтиш мумкин. Кейинги 5-10 йил ичида эса ўзбек тили спорт терминологиясида пайдо бўлган *либеро, плеймейкер, траверс, делтапланер, каррилеро, диспетчер, бокс-ту-бокс, треквартиста, бадминтон, патли копток, волан, ракетка, биатлон, бобслей, фристайл, бодибилдинг, культуризм, сув полоси, ватерполо, стайл, байдарка, каноэ, чанги балети, чанги акробатикаси, қўшгилов җимоя* каби янги сўзлар, француз тили спорт терминологиясида *registra, sentinelle, mezzala, stoppeur, makelele rôle playmaker, carrileros, boîte en boîte, aéromodéliste, ski hélicopté, parrainage, queue d'hirondelle, stadiaire, véliplanchiste, spiroballe prise, jeu de cannes* сингари сўзлар тезлашганки, натижада уларни кўпчилик қийналмай англаши, қўллаши кузатилади.

Маълумки, лексик неологизм турлари – сўзнинг неологизмлик белгиси лексемага яхлит ҳолда ёки унинг бир қисмига алоқадор бўлади, шунга кўра лексик неологизм қуйидаги икки турга бўлинади: 1) *неологизм-лексема* (бунда лексема яхлитлигича неологизм бўлади); 2) *неологизм-семема* (бунда лексеманинг ўзи эмас, унинг маъноларидан бири неологизм саналади). Масалан,



Футбол «тактик» лексикасидаги неологизмларнинг миллий ва маданий хусусиятларига этибор қаратсак, спортда ғалаба қозониш бу нафақат жисмоний ҳолат, балки пухта ўйланган ва аниқ лексика асосида тузилган тактик ноёб ғоялар мажмуасидан ташкил топган жараён. Бунда улкан тажрибалар замирада яралган неологизмлар барча тилларда хусусан француз ва ўзбек тилларида миллий ва маданий хусусиятларни намоён этади. Қуйидаги оммавий ахборот тизими ва халқ орасида оммалашиб борган лексик неологизмлар терминологик таҳлил натижасида француз тилидаги миллий руҳ ва маданий ўзига хослик касб этганлигини кўрамыз:

*Ailier (m) inversé* – Қарама-қарши қанот ўйинчиси, мослашувчи вингер. Ушбу атама ўзига бириктирилган одатий ҳудудга қарама-қарши ўйнайдиган ҳужум чизиғи ўйинчиси ёки плеймейкерларга нисбатан қўлланилади. Ҳозирги замонавий футболда бунга *Ариен Роббен, Франк Рибери, Неймар,*

*Криштиано Роналдо, Гарет Бейл, Эден Азар ва Жалолiddин Машиарипов* каби ўйинчиларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

*Droitier (m) côté gauche* – сўл қанот ўнағайи – Асосий бириктирилган майдон қисми чап томондан ўнг қанотга қутилмаганда ўтиб ўйин олиб борувчи қанот ўйинчиси. Мисол: *Mince, j'ai encore inversé les ailiers et les milieux défensifs* – (Таржимаси: Эҳ, яна бир бор қанотлар ўзаро ҳамда ҳимоячилар билан ярим ҳимоячилар ҳудуд алмашмоқда) (*Собиқ футболчи, бош мураббий ва ҳозирда beIN Sports канали консултант шарҳловчиси Луиш Фернандеш нутқидан олинди*).

*Boîte en boîte (f)* – бокс-ту-бокс, кўп қиррали универсал ўйинчи (инглизча «*box-to-box*»). Тўлиқ ярим ҳимоячи бўлсада, ўйин давомида рақиб томон хавф солади ва у қанча ҳужум қилса шунча ҳимояга қайтиб ўйнайди. Тарихда инглиз футболчи билан боғлиқ ампула саналади, аммо майдондаги ҳар бир ўйинчининг рол ихтисослиги туфайли йўқ бўлиб кетади. Замонавий футболда бу таърифга қуйидаги ўйинчиларни таъкидлаб ўтиш мумкин: *Стивен Жеррар, Пол Сколз, Яҳё Туре, Тимур Кападзе*. Мисол: *Je vais de boîte en boîte*. – Таржимаси: Мен «бокс ту бокс» ўйин олиб бораман. (*Паскаль Фендуну, Гвинеялик халқаро футбол устаси интервьюсидан олинди*).

*Carrileros (m)* – каррилеро. Келиб чиқиши испанча бўлган ушбу термин дастлаб ярим ҳимоячининг каридорларини белгилаш учун ишлатилган. Ўзбек тилида «латераль» термини ушбу ампулага синоним ифатида қўлланилади. Мисол: *Dans un milieu en losange inversé, on appelle ça un carrileros*.

